(1423–1450)
(1449-1450)

Мовароуннахрда 1449-1450-йилларда хукмронлик темурий хукмдор. Улугбекнинг ўгли. Шохрух саройида тарбия олган, харбий юришларда кўшиннинг ўнг канотига кўмондонлик килган. Гавхаршод бегим ва тархон амирлар Шохрух ўлимидан сўнг (1447) Абдулатифни олий бош кўмондонликка тайинлаб, унинг амакиваччаси Алоуддавлани тахтга ўтказишган. Бу карордан норози бўлган Абдулатиф Алоуддавлага карши уруш очган, лекин Нишопур якинидаги жангда (1447) енгилиб, хибсга олинган. Улугбек фарзанди хаётини саклаб колиш максадида Алоуддавла билан сулх тузишга мажбур бўлган. Унга кўра, Алоуддавла Хуросон хукмдори деб тан олиниб, Абдулатифга Балх улуси берилган. Абдулатиф Улугбекнинг 1448-йил илк бахоридан ёзигача Алоуддавла ва Абулкосим Бобурга карши жангларида катнашган. Сўнг, тож-тахтни эгаллаш максадида отасига карши Абулкосим Бобур билан иттифок тузган. Улугбек Абдулатифга карши кўшин тортган ва Амударё бўйида икки томон кўшини 3 ой мукобил турган (1449). Самаркандда колган беклар исёни туфайли Улугбек пойтахтга кайтишга мажбур бўлган, натижада Абдулатиф Амударёдан ўтиб Термиз, Шахрисабзни эгаллаган. Самарканд якинидаги Дамишк кишлоги ёнида отасини енгиб, тахтни эгаллаган (1449). Абдулатифнинг розилиги билан Улугбек ва укаси - Абдулазиз Мирзо катл этилган. Абдулатиф олти ойлик хукмронлигидан сўнг, Улугбекнинг хос навкарларидан Бобо Хусайн баходир томонидан ўлдирилган (1450-йил 8-май). Абдулатиф ўжар, худбин ва шухратпараст бўлсада, отаси Улугбек каби илм ахлига ихлосманд эди. У ўзи хам фалакиёт ва тарих илми билан шугулланар, шеърлар битарди.